ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1489-1500

ДИОЛОГИК НУТҚНИНГ КОММУНИКАТИВ ВА БАДИИЙ-ЭСТЕТИК МОҲИЯТИ ХУСУСИДА

Зияда Утеповна Бекбергенова
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими,
Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институти бўлим мудири,
филология фанлари доктори (DSc)

Айжамал Камалбаевна Сарсенбаева
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети студенти
email: ziyada.bekbergenova@mail.ru

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются художественно-эстетические функции телефонного разговора и многоголосых диалогов в композиции романов каракалпакских писателей «Зеница ока» Т.Каипбергенова (1986), «Разорённый народ» К.Мамбетова (1988), «Последствие» К.Рахманова (1993), «Враг» М.Нызанова (2010) на основе научно-теоретических рассуждений.

Ключевые слова: композиция романа, диалогическая речь, форма диалога по телефону, многоголосый диалог, коммуникативно-эстетические функции.

ON THE COMMUNICATIVE AND ARTISTIC-AESTHETIC NATURE OF DIALOGUE SPEECH

ABSTRACT

The article includes a telephone conversation in the composition of Karakalpak writers T. Kaipbergenov's novel "Eyebrow" (1986), K. Mambetov's "Destroyed hand" (1988), K. Rakhmanov's "Fate" (1993), M. Nizanov's "Enemy" (2010) and much more, the artistic-aesthetic function of voice dialogues is interpreted on the basis of scientific-theoretical ideas.

Keywords: novel composition, dialogic speech, dialogue on the phone, form of polyphonic dialogue, communicative-aesthetic functions.

КИРИШ

Бадиий нутқ поэтикаси буйича тадқиқот ишларини олиб борган олимлар ўз тадқиқотларида диалогик нутқни ўрганишга алоҳида эътибор қаратади. Шу

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1489-1500

жумладан академик В.Виноградовнинг «Диалогнинг таркиби, хизмати, насрий асарларнинг якка услубдаги «ҳаракат» тартиби, унинг муаллиф тавсифи усулининг алвон турлари билан муносабатга киришиш йўналиш ва тамойиллари хусусидаги масала – бадиий наср тилини тадқиқ қилишда жуда муҳим муаммолардан биридир. Бу борада якка бадиий услубнинг ўзига хос томонлари кўзга ташланади» [4.22], – деб ёзганидек, кенг миқёсдаги роман жанри қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатини очишда ва характер хусусиятларини белгилаб беришда муаллиф нутқи билан бир қаторда диалоглар мухим ахамият касб этади.

Шунингдек, ҳохлаган бадиий асарнинг қаҳрамонлари бири-иккинчисидан ўй-фикри, хатти-ҳаракати, характери, сўзлаш манераси билан ажралиб туради. Мана шундай фарқларни танишимизга кенг имконият берадиган компонентлардан бири – бу диалоглардир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кишилар ўзаро оғзаки мулоқотга киришган пайтида айрим фикрлар тез ва бир зумда пайдо бўлади. Диалогни юзага келтирадиган биридан сўнг бири келадиган репликаларда маъно жихатидан ўзаро алоқа келиб чиқади. Таққослаб айтадиган бўлсак, диалогда билдириладиган фикрнинг қисқалиги ва синтактик таркиби нихоятда содда бўлади. Диалог орқали бериладиган маълумотни персонажларнинг овоз оҳанги, имо-ишораси, хатти-ҳаракатлари тўлиқтириб бориши мумкин. Оғзаки диалог бадиий адабиётга кўчирилганда бундай функция муаллиф изоҳида (ремарка) тушунтирилиб, тасвирланаётган воқеаларга тиниқлиқ, яхлитлик ва эмоционал бўёқ бағишлайди.

Рус олими М.Бахтин: «Биргина овоз хеч нарсани англатмайди ва ҳал қилмайди. Икки овоз – хаётнинг минимуми, умрнинг минимуми» [2], – деб таъкидлаш орқали Достоевский романлари қаҳрамонларининг диалогик нутқининг коммуникатив ва эстетик жихатларига алохида эътибор билан қарайди.

Дархақиқат, бадиий асарда иштирок этувчи қаҳрамонларнинг ўзаро муносабат фаолиятини белгилашдан ташқари диалогнинг асосий вазифаси – инсон қиёфасини ясашдан иборат, чунки хаётда ҳар бир одам турфа хил муносабатларга киришадиган бўлса, бадиий асар қаҳрамонларининг диалогик репликалари ҳам инсон хулқ-атворининг сирлари ва қирраларини чуқур очишда мухим вазифани бажаради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1489-1500

Драматик асарлар асосан, қаҳрамонларнинг диалогик нутқидан иборат бўлиб, воқеа ривожи ва қаҳрамонлар хулқ-атворини очишга хизмат қилади. Лекин кейинги йилларда насрий асарлар таркибида ҳам ҳар бир қаҳрамоннинг шахсий тил ҳусусиятларини очишда ва уларнинг типик характерини яратишда диалогик нутқнинг муаллиф баёни билан бирга келиб, бадиий тасвир воситаси вазифасини бажараётганини англаймиз.

Бадиий нутқ поэтикасини ўрганувчи олимлар диалогик нутқнинг ички, ташқи ва реал (М.М.Бахтин), тавсифий, драматик, жонли (реал), ҳаёлий (тасаввурдаги), тоза (соф), аралаш, кўп овозли диалог (Х.Каримов) каби бир нечта шаклларини алоҳида ажратиб кўрсатадган бўлса, адабиётшунос олим Й.Солижонов ҳозирги ўзбек насрида диалогик нутқ шаклининг 1) тавсифий диалог; 2) драматик диалог сингари икки турини, бу эса ўз навбатида 1) жонли (реал) диалоглар; 2) ҳаёлий (тасаввурдаги) диалог; 3) ички диалог [12.15] сингари уч хил фаол шаклларини пайдо этганлигини ўзбек романлари мисолида талқин этади.

Ўтган асрнинг 20-30-йилларида пайдо булган илк ҳикоя ва қиссаларда икки одам орасидаги диалог шакли асосий ўрин эгалласа, бундан кейинги даврларда яратилган бадиий асарларда уч-тўрт, ва ундан да ортиқ кишилар орасидаги аралаш диалог шаклининг ўрин олишини насримизнинг янги поғоналарга кўтарилганлигининг самараси сифатида баҳолашга бўлади. 1970-йиллардан эътиборан, қорақалпоқ адабиётшунослик фанида бадиий асар таркибида диалогларнинг тутган ўрни ва бажарадиган хизмати масаласи айрим тадқиқот ишларида ўз аксини топди. Адабиётшунос С.Бахадирова 60-70-йиллардаги илк қорақалпоқ романлари нутқида жонли (реал) диалогларнинг бадиий хизмати масаласига тўхталиб ўтади [1.49-58]. Адабиётшунос Ж.Есенов 60-70-йиллардаги қорақалпоқ қиссалари таркибида учрайдиган жонли (реал) диалогларни қаҳрамон рухиятини очишда ёрдамчи усул сифатида қарайди [5.76-80]. Адабиётшунос П.Нуржановнинг илмий тадқиқотларида эса жонли (реал), драматик ва ҳаёлий (тасаввурдаги) диалогик нутқнинг 80-90-йиллардаги қорақалпоқ романлари композициясида сюжет яратиш, мунозара ва характер ифода этиш масалалари тадқиқ қилинади [10]. Лекин, ушбу тадқиқотларда диалогик нутқ типининг тавсифий, драматик, жонли (реал), ҳаёлий (тасаввурдаги) диалог шаклларининг сюжетни ривожландиришдаги, конфликт ва характер ясашдаги умумий хусусиятлари бўйича айрим фикр-мулоҳозалар билдирилган, ҳолос.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1489-1500

МУҲОККАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бадиий асар тузилишида, айниқса ҳикоя, қисса, романларда диалогик нутқнинг турли хил шакллари маълум ўринга эга бўлишига қарамасдан қорақалпоқ адабиётшунослигида ушбу муаммо махсус равишда тадқиқ этилмаган.

Шу сабабдан ҳам биз ушбу мақоламизда кейинги йиллардаги қорақалпоқ романлари тузилишида кенг қўлланалиб келаётган телефон орқали мулоқот ва кўп овозли диалог шакли ҳақида сўз юритамиз.

Юқоридаги тадқиқотчиларининг илмий асарларида асосан, жонли диалог шакли ҳақида кенг тарзда мулохазалар олиб борилган. Диалогик нутқнинг қайсики шакли бўлмасин, насрий асарларнинг композицион таркибида воқеа иштирокчиларининг хулқ-атворини очишда ва ўзига хос сўзлаш жараёнига хос грамматик, лексик ва интонацион хусусиятларини ўрганишда мухим вазифани бажаради. Шу кунга қадар адабий асарларнинг таркибида диалогик нутқ типининг тавсифий, драматик, жонли (реал), хаёлий (тасаввурдаги), ички диалоглар сингари бир нечта шакллари кенг қўлланилиб, персонажларнинг ўзаро муносабатларини, характер қирраларини, руҳий дунёларини ва умуман асар мазмунини очишда муайян вазифани адо этиб келмоқда. Диалогик нутқ типининг телефон орқали сўзлашув шакли ўтган асрнинг дастлабки чорагидан бошлаб халқимизнинг кундаликли ҳаётига тўлиқ равишда кириб келди. Ушбу диалог шакли адабий асарлар тузилишида ҳам қаҳрамонлар орасидаги муносабатларни ифодалашда бадиий восита ролини бажармоқда. Сўнги йиллардаги қорақалпоқ романлари тузилишида қаҳрамонларнинг телефон орқали сузлашувига анча кенг ўрин берилишига қарамасдан, ушбу диалогнинг коммуникатив ва бадиий-эстетик моҳияти адабиётшунослик илмида ҳанузгача ўрганилмади. Шу боис биз ушбу илмий мақоламизда мазкур йўналишдаги диалогик нутқ шакли хақида алохида сўз юритамиз.

Албатта, телефон орқали сўзлашув даврнинг, фан ва техника тараққиёти натижасида кундалик хаётимизга тез суръатларда кириб келгани сингари замонавий мавзуларда ёзилган бадиий асар қаҳрамонлари орасидаги алоқаларни юзага чиқаришда, айниқса воқеа сюжетини ривожлантиришда ва қаҳрамонлар орасидаги дўстлик ва хамкорликни таъминлашда, муросага келишда ёки унга тўсқинлик қилишда, шунингдек, фикрлар қарама-қаршилигини пайдо қилишда маълум даражада бадиий-эстетик вазифани бажаради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1489-1500

Таниқли ёзувчи Т.Қайипбергеновнинг «Кўз қорачиғи» (1986) романининг бош қаҳрамонлари Даулетов ва Сержановнинг телефон орқали сузлашувига назар ташлайлик:

– Ҳа, ўртоқ Даулетов, мен Сержановман! Сизни тоби қочиб қолди деб эшитган эдим, ахволингизни билиш учун қўнғироқ қилиб турибман. Тезроқ тузалишингиз учун қандай ёрдам керак бўлса айтаверинг.

Даулетов у билан ўша қурултойда учрашиб сухбатлашганида бироз ювош йигитга ўхшаб кўринган эди, телефондан эса асабийроқ жавоб берди.

– Менинг ахволим яхши, ҳеч нарса керак эмас!

Сержановнинг ичида олов ёнаётган бўлса ҳам, ўзини бироз босишга ҳаракат қилди.

– Ахволларим яхши деганингиз нимаси?! Унда мени одамлар алдаган эканда… Кечирасиз, тушида ўлган одам кўп яшайди деган нақл бор. Демак, сиз ҳам узоқ яшайсиз. Бу яхши; менга сизнинг узоқ яшаганинингиз керак. Аммо, – деб Сержанов бироз тилини тишлаб турди ва кунгилдагиларини тўкиб солди. – танангизда хеч қандай оғриқ йўқми?

Даулетов унинг кесатиқ гапларига жахл устида кандайдир оғир сўз айтмоқчи ҳам бўлди, бироқ телефон орқали тортишув икки томонга ҳам ноқулай бўлиб, масала ечимсиз қолиб кетиши мумкин бўлганидан ўзини босди…

– Ўртоқ Сержанов, сизга бундай қилиш ярашмайди. Кўнгилда кек сақлаш, бошқаларга захар сўзларни айтиш оқсоқолларнинг ишимас.

– Мен сизнинг дилингизни оғритгудай нима дедим?

– Ана ҳамма гап шунда. Хеч нарса айтмадингиз. Бироқ бўш вақти кўп одамга ўхшайсиз. Устига устак, экин-тикин бошланадиган вақтда ўзингизни қийнашингиз шартми?

– Менинг бўш вақтим кўп эмас. Бироқ мен сизнинг илгари қурултойда айтган сўзларингизни унутган эканман. Шу гапларни телефонда яна бир бор айтсангиз, мен ёзиб олиб, ўз камчиликларимни тузатсам, деган мақсадда қўнғироқ қилаётгандим.

– Ержан оға, етар! Мени ўйинчоқ қилманг [6.17-18].

Худди мана шундай Сержановнинг Даулетов билан телефон орқали суҳбати ўз натижасини бермасдан, узилиб қолади. Улар орасидаги сухбатга узилиш ясаган холатларни тўлиқтириб келишда муаллиф изоҳлари яқиндан ёрдам беради. Вилоят қурултойида камчиликларини очиқ-ойдин юзига айтгани учун Даулетовга нисбатан адоватини унута олмаган Сержанов ўзининг энг яқин одами ва тиргагига айланиб қолган туман партия қўмитасининг биринчи котиби

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1489-1500

Нажимовга қўнғироқ қилади. Лекин у ўз иши учун Нажимовдан мақтов сўзлар кутса ҳам, суҳбатнинг йўналиши Сержанов ўйлагандай бўлиб чиқмайди. Телефон орқали бу гаплашиш фикрдош одамларнинг ҳам бир-бирини осон тушуниб олишларига имкон бермасдан, аксинча улар орасидаги мунозарани янада кучайтирганига ишонч хосил қиламиз.

Рус олими И.Нестеров: «тўғри муомаладан ташқари диалоглар ҳам бўлиши мумкин, масалан телефонда гаплашганда бу алоқа тўлиқсиз, мураккаб ва кесилган шаклда бўлади» [9.78], – деб таъкидлаб ўтганидек, ушбу диалог шакли кесилган шаклда булишидан қатъий назар кишиларнинг қисқа фурсатда айтиши лозим бўлган фикр-мулохазаларини иккинчи одамга етказишда зарур муносабат хизматини бажаради. Адабиётшунос З.Бекбергенова асар қаҳрамонларининг «Телефон орқали суҳбатлашиши (диалоги) дастлаб ёзувчи Т.Қаипбергенов асарларида қўлланилиб, сўнг 1990 йилларга келиб, ушбу анъана К.Рахмановнинг романларида давом эттирилди» [3.15], – деб ёзади. Ёзувчи К.Рахмановнинг «Оқибат» (1993) романининг асосий воқеалари тизими бош қаҳрамон Улперининг Шернияз билан телефон орқали суҳбатидан бошланади. Ёз фаслининг иссиқ кунларининг бирида туш пайтида ухлаб ётган Улперини телефоннинг тинимсиз жиринглаган ёқимсиз овози уйғотади:

Трубкадан эркак кишининг хирилдоқ овози келди.

– Алло, Улпери янгамисиз?

– Ха, мен.

– Тасполат оғам келмадими?

– Оғанг келмаётир.

Трубкадаги овоз бироз тинч турди да:

– Соғ-саломат юрибсизми, янга? – деди.

– Шукр, ўзинг саломатмисан? – Улпери эндигина унинг исмини сўрамоқчи эди, трубкадаги овознинг ўзи айтиб қуя қолди:

– Мен Шерниязман!

– Нима ишинг бор эди кайним?

Шернияз нима иши борлигини айтишни бунга раво кўрмагандай:

– Эй, бир ишлар билан… – деб гапининг охирини ютиб юборди.

– Телефондан айтиш ноқулай. Хозир бораман, – деган овози зўрға. Эшитилди [11.6-7].

Ташқаридан қараганда бу жонли диалог оддий кўринса ҳам, Шерниязнинг нимадандир хавотирланиб, Улперига қўнғироқ қилаётгани телефон орқали кечган мулоқот чоғида сезилиб туради. Бу холатни диалог атрофида келган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1489-1500

муаллиф изоҳи ҳам тўлдириб боради. Текин мол-дунёга ҳаволаниб, хеч кимдан дакки эшитиб кўрмаган Улперига дастлаб Шерниязнинг дўконига эри Тасполат Алламбаев курортда дам олаётган пайтида тўсатдан назоратчилар келиши ва институтда тахсил олаётган ёлғиз фарзанди Нурполатнинг ҳам дарсларга улгура олмай йиқилиши оддий нарсадек бўлиб кўринади. Лекин ўғли Нурполатни имтихондан йиқитган ўқитувчи Алим Адамбаевич билан Улперининг телефон орқали суҳбати ҳам воқеа баёнининг у ўйлагандай эмас, кескин тус олишига олиб келади. Роман қаҳрамонларининг хаётидаги мана шундай зиддиятли драматик лахзаларини муаллиф телефон орқали мулоқотлар билан тасвирлайди:

– Эй, Алиммисан ё золиммисан!? – деди. Трубка бироз жим турди да:

– Кимсиз, танимадим, – деб тортинқираган одамнинг овози эшитилди.

– Мен Нурполатнинг онасиман!

Трубкадаги овоз яна жимиб қолди

– Эй, эшитиб турибмисан? – деб кучга минди Улпери. – Мен Нурполатнинг онасиман дедим!

Трубкада талмовсираб қолгандек овоз чиқди:

– Ҳаа, а,а...

– Эй, чироғим, Адамбай оғанинг боласи! Сен билан шундаймидик? Бизнинг боланинг не ёзиғи бор эди?

Трубкадаги овоз яна жим бўлиб қолди, чамаси, Алим Адамбаевич нима деб жавоб беришини ўйланаётган бўлса керак. Унинг бир оғиз сўзни қизғонгандек айтмаётгани Улперини баттар жазавага солди.

– Эй, чироғим, сендан сўраб турибман! Бизнинг боланинг…

– Ўғлингиз дарсига улгуролмади…

– Нима, нима? Нимага улгура олмайди? Ўқитган болаларингдан қайси бири билими билан шахар оляпти, қани? – деб Улпери телефонга дўқ урди. – сен ундай қилиб осмондан келма қароғим! Сен йиқитган билан йиқитмайдиганларни топиб оламиз. Фақат сенинг қуруқ жойдан чанг чиқарганинг қолади…

– Ўпкангизни босинг, янга, – деб тасалли берган бўлди трубкадаги бўғиқ овоз.

Ловлаб турган Улперига бу янада мой сепгандек бўлди:

– Нима, нима?... Хей, сен нима…[11.14-15].

Асар қарамонларининг диалогдаги нутқида қўлланган ундов, сўроқ, риторик сўроқ, кўп нуқтали тиниш белгиларининг хар бири ҳам уларнинг овоз тўлқинидаги ўзгаришларни очиш билан бирга тингловчининг суҳбатдошига қаратилган ички хисларини ташқарига чиқаришга кўмаклашади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1489-1500

Улперининг Алим Адамбаевичга қаратилган устма-уст саволлар, риторик сўроқ, буйруқ маъносидаги берилган жумлалар ҳар бирининг бошқалардан ўзини юқори тутиб, манман ва маънавий қашшоқ одамнинг қиёфаси кўзга ташланади.

Алим Адамбаевичнинг эса суҳбатдошига қарата босиқ овоздаги қисқа ва маъноли жавоб жумлалари, унинг нечоғлик маданиятли ва босиқ хулқли инсон эканлигини кўрсатиб турибди. Улпери Алим Адамбаевич билан телефон орқали мулоқоти жавобсиз қолганлигидан, жахл билан унинг устидан қаровчи Нурим Туримбетовичга қўнғироқ қилади.

Лекин бу сафар ҳам воқеалар унинг кўнглидагидек бўлиб чиқмайди. Улперининг ўша пайтдаги жахлдор қиёфасини муаллиф: *«Нима? Аралаша олмайман дейсизми? Нима қилади аралашганда, бурнинг пуч бўлиб қоладими? – бюрократ дегани ҳам эви билан да қайним! Бизлар бошқаларнинг чанги остида қоладиган одамлар эмасмиз, ҳа! Яхши, кўрамиз! – деб, жахл билан трубкани жойига тарс этказиб қўйди. – бу хирапашшадан ҳам иш битмади»* [11.16.], – деган қизиққон, бахсли жумлалар ёрдамида етказиб беради.

Ёзувчи шу тариқа роман сюжетининг дастлабки қисмларидан бошлаб, қаҳрамон хаётининг зиддиятли лахзаларини тасвирлашда телефондаги диалоглардан унумли ва муваффақиятли фойдаланганлиги сезилиб туради.

Агар икки ёки уч-тўртта персонажлар иштирокидаги диалогларда нутқ эгаси ким эканлиги маълум бўлса, кўп овозли диалогларда реплика эгасини аниқлаб олиш ва, баъзан иштирокчилар сонининг қанча эканлигини билиш анча қийин кечади. Шу сабабдан бўлса керак, қозоқ олими Х.Каримов воқеада иштирок этувчи кўпчиликнинг овози тарзида учрайдиган диалогларни икки одам орасидаги соф, ва шунингдек уч-тўртта киши орасида юзага келадиган аралаш диалоглардан ажратиб олиб, шартли турда «кўп овозли диалоглар» атамаси билан номлайди. Кўп овозли диалоглар ҳохлаган асар тузилишида учрайвермасдан, ёзувчининг танлаб олган мавзуси ва ўз олдига қўйган мақсадига мувофиқ бадиий-эстетик вазифа бажаради.

Ёзувчи К.Мамбетовнинг тарихий мавзуда ёзилган «Тарқоқ эл» (1988) романининг «Жуман йилқичининг овули» бобида Жалил султаннинг от боқувчиси Жуманнинг тақдирига оид қайғули воқеаларни тасвирлашда кўп овозли диалоглардан бадиий-услубий жихатдан самарали фойдаланган:

Йилқичининг юзи етти кундан кейин зўр-базўр бу ёққа қаради. Овул одамларининг хаммаси хайрсиз. Баланддаги бургутимиз ҳам, қўлдаги кирғийимиз

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1489-1500

ҳам фақат шу эди. Жалил султоннинг эса Жуманни яшатадиган тури йўқ. Энди нима қиламиз?

– Исмоил султонга бориб бош эгсак нима қилади. Эл суйган эр йигит-ку. Арзимизни тингламасмикан?– деди Эсберган чол.

– Чўчқа чўчқани қорнини ёрмайди. Султон бўлгандан кейин барибирам Жалилнинг сўзини тинглайди да,–деб сўзини бўлди Давлетбой ота.

– Унда чатоқ булибди да. Энди нима қилсак экан?

– Юсуф султоннинг юртига қараб қочириш керак.

– Жадал йигитлардан эди, у ёқларда хор бўлади да.

– Қозон деган шахарда бу каби йигитларга иш кўп деб эшитгандим.

– Ҳа айтгандай, Қозонга юбора қолайлик. У ерларга борган йигитлар иш ўрганади дейишади.

– Майли, юборақолайлик. Бўлмаса Жалил бу ерда буни барибир ўлтиради.

Охирида овулдагилар кенгашиб, Жуман йилқичини Қозонга жўнатдилар [7.92].

Ташқаридан қараганда, ушбу диалог роман сюжетига тегишли эмасдай бўлиб кўринади. Аммо Нўғайли даврида хаёт кечирган ака-ука Юсуф ва Исмоил султонлар орасида келиб чиққан мунозараларнинг янада кенгроқ очилишида ҳамда тарихий воқеаларнинг ишончли тасвирланишида маълум бадиий-эстетик вазифани бажаради. Бир уюр йилқисини йўқотгани учун Жалил султон томонидан Жуман йилқичининг оғир жазоланиб, қийин ахволда қолганлигига ачинган кўпчилик ўзаро кенгашиб, уни Исмоил султон ва Юсуф султоннинг юртига эмас, балки, Қозон шахрига жўнатиб юборишга келишадилар. Муаллиф бу ерда Жуман йилқичининг аянчли тақдирини оддий холатда тасвирламасдан, қишлоқ ахлининг ҳар хил таассуротли ва хаяжонли мулохазалари билан етказиб беришга ҳаракат қилгани яққол намоён бўлади. Асосан, ушбу кўп овозли диалогда бир гурух оломоннинг Нўғайли даврининг қаттиққўл султонлари Юсуф, Исмоил ва Жалилга бўлган салбий муносабати очиқдан-очиқ акс этган. Жуман йилқичининг кейинги тақдири Қозон шахридаги воқеалар билан боғлиқ. Бу ерда ҳам Жуманнинг тақдири осон кечмайди. Бунга бош сабаб қилиб отаси Юсуф султоннинг қистови билан Қозон подшохи Жаналийга турмушга чиққан Суюнбикенинг тахтга ўтириши кўрсатилади. Суюнбике сулув Эри Жаналийнинг вафотидан сўнг отаси Юсуф султон ва бош вазири Қўшшоқнинг маслахати билан халқни, мамлакатни бошқаради. Шу пайтда Суюнбикенинг зуғуми остида, тартибсизликларга чидамаган ахолининг норозилик кайфияти романнинг «Халқ

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1489-1500

қўзғолони» деб номланган бобида ҳам кўп овозли диалог ёрдамида ишончли тасвирланади:

Роса эзғилаб, тош босиб қолган йигит Қозондан бахт излаб келган Жуман йилқичи эди. Унинг бир қўли бутунлай эзилган бўлиб, кўкрагида нари-бери жони қолган эди. танасини икки йигит кўтариб олиб чиқди. Қўзғолон бир хафтага чўзилди. Хали Қозонда вазият алғов-далғов эди. Тартибсиз оломон аскарлар билан аралашиб кетди. Кўчалар ўлик билан тўлиб кетган. Шовқинли овозлар эшитиларди:

– Халқни очарчиликка гирифтор этган хоннинг бизга кераги йўқ!

–Икки йил ош ўрнига тош едик.

– Суюнбике Қозондан кетсин!

– Юртга одил хон керак! [7.120].

Муаллиф баёнидан сўнг персонажларнинг басма-бас айтилаётган кўп овозли репликаларида оч-нахорликдан бардоши тугаган халқнинг золим юрт бошқарувчисига норози ҳис-тўйғулари билан келажак орзулари хамоҳанг тарзда хаяжонли ифодаланади. Мана шундай кўпчиликнинг кўнгил кечинмалари, ички туйғуларини берадиган кўп овозли диалоглар ёзувчи М.Низоновнинг «Душман» (2010) романида ҳам самарали қўлланилади:

Қирғоқда катта учта кема кутиб турган экан. Уларнинг иккитаси лиқ тўла, учинчиси ярмидан ошиқ одам бор. Улар кемага яқинлашиб келаётган гуруҳларни кўриб баравар бақирдилар.

– Йигитлар! Ватан учун олға!

– Бир қарич ерни душманга бермаймиз!

– Яшасин, она ватанимиз!

– Ура! – деб бақирди бу ёқдан брезентли икки аскар. Кемада бу овоз акс – садо берди.

– Ура-а!

–Ура-а!

– Душманга ўлим!

– Душманга ўлим!

Янграган бу овозлар дарё устида тўлқинланиб, олис-олисларга эшитилди. Бу овозга ҳамма қўшилди. Кейин кема узра мусиқа янгради.

– Бу қайси артист?

– Анор Қурбонов деган.

– Вой садағанг кетай, ўзиям овозни ҳам, чиройни ҳам худо берган экан!

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1489-1500

– Сўзининг маъносини айтмайсанми?! Топиб айтганига қара! Шу гапларни эшитиб туриб, қандай қилиб душманни аяйсан! Қўлида ўласан-ку!

– Қўлида ўлмаймиз, улар бизнинг қўлимизда ўлади!

Йиғилган оломон бир лахзага бўлса ҳам урушни унутгандек бўлди [8.120-121].

Ташқи душманлардан киндик қони томган она диёри билан халқини химоя қилишга отланган йигитларнинг ватанпарварлик рухдаги сўзлари фарзандларини урушга кузатаётган халқнинг тушкун кайфиятини кўтариб юборди. Артистларнинг жўшқин қўшиқлари ҳам дарё бўйидаги халойиқнинг ғам-қайғусини бир зум бўлса ҳам унуттиргандек бўлди. «Шунингдек, кўп овозли диалоглар, муайян воқеа ҳақида хабор бериш билан биргаликда, персонажларнинг хис-туйгуларининг юзага чиқишини таъминлайди” [3.29].

Ёзувчи иккинчи жахон уруши даврининг хақиқатини ишончли ва табиий равишда тасвирлашда кўп овозли диалоглардан мохирлик билан фойдаланган. Шу тариқа, икки роман контекстида кўп овозли диалогни ташкил қиладиган бир-бирига басма-бас айтилаётган репликалар воқеада иштирок қилаётган оломоннинг бошидаги алам ва қувонч, изтироб ва қўрқувни тасвирлашнинг ташкилий ва самарали усулига айланган.

Юқорида биз кўриб ўтган қорақалпоқ романлари сюжетининг яхлитлигини таъминлашда қаҳрамонларнинг телефон орқали мулоқоти, яъни телефондаги диалоглари композицион жихатдан бадиий асар сюжет қисмининг муқаддимасида қўлланилиб, воқеаларнинг чигаллашган лаҳзаларини етказиб беришда ва қаҳрамонлар ўртасидаги зиддиятлари тёайрлашда маълум даражада бадиий вазифа ролини бажара олган. Шунинг учун ҳам кундалик ҳаётимизда одамларнинг телефон орқали суҳбати фаол рол ўйнаганидек, бу диалог шакли насрий асарларнинг композицион таркибида қаҳрамоннинг характерини очишда, уларнинг ўзларига хос сўзлаш, ўйлаш хусусиятларини етказиб беришда коммуникатив ва эстетик таъсир кучига эга бўлса, адабий асар таркибида қўлланилаётган кўп овозли диалоглар уюшган бир жамоанинг, гуруҳнинг, маълум бир мухитдаги кишиларнинг образини ясашда мухим ахамият касб этади. Яъни ёзувчилар шахснинг ёркин қиёфаси билан тақдирини, хатти-ҳаракатини тасвирлаш билан чекланиб қолмасдан, шу ҳусусиятларни пайдо қиладиган ижтимоий мухитнинг ҳам туташ образини ясайди. Уларнинг тутган ўрни ва ролини англамай туриб, муаллифларнинг асардаги образ шаклини тўлиқ тушуниб олишнинг имкони йўқ.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1489-1500

ХУЛОСА

Бугунги кунда фан ва техниканинг юксалиши билан халқимиз ҳаётида кишиларнинг бири бири билан жонли мулоқотга киришиб, фикр алмашинувида электрон боғланишнинг уяли телефон орқали оғзаки ва SMS, e-mail, чат, блог орқали ёзма сўзлашув шакллари кенг тарқалган. Ўткан асрнинг дастлабки чорагидан бошлаб диалогик нутқ типининг телефон орқали сўзлашув шакли кишилараро маданий ва ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ўрнатишнинг тамаддунина айланган булса, бугунги замановий турмуш тарзимизни электрон нутқ шаклларисиз кўз олдимизга келтира олмаймиз. Ушбу нутқ шакллари муаллиф баёни билан бирга келиб бир гуруҳ персонажларнинг шахсий тил ҳусусиятларини очишда ва уларнинг типик характерини яратишда бадиий тасвир воситаси сифатида адабий асарлар тузилишида коммуникатив ва бадиий-эстетик вазифани бажарадиганлиги шубҳасиз.

REFERENCES

1. Баҳадырова С. Роман ҳәм дәўир. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1978.
2. Бахтин М.М. Диалог у Достоевского. Получено с http:// www.vehi.net/dostoevsky/bahtin/08.html
3. Бекбергенова З.У. Қарақалпақ романларында көркем сөз поэтикасы. – Нөкис: Илим, 2016.
4. Виноградов В.В. Стилистика. Теория литературной речи. Поэтика. – М.: Ак.наук СССР, 1963.
5. Есенов Ж. Шеберликтиң сырлары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1986.
6. Қайыпбергенов Т. Көздиң қарашығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1986.
7. Мәмбетов К. Посқан ел. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988.
8. Нызанов М. Душпан. – Нөкис: Билим, 2010.
9. Нестеров И.В. Диалог и монолог. // В кн: Введение в литературоведение. Литературное произведение: основные понятия и термины. Под. Ред. Л.В.Чернец. – М.: Высшая школа, 2000.
10. Нуржанов П. Ҳәзирги карақалпақ романы поэтикасы (композициялық ҳәм жанрлық-стильлик өзгешеликлери). – Нөкис, Билим, 2008; Ҳәзирги карақалпақ романы (сюжет ҳәм конфликт поэтикасы). – Нөкис: Билим, 2009.
11. Рахманов К. Ақыбет. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1993.
12. Солижонов Й. Нутқ ва услуб. – Тошкент: Чўлпон, 2002.